

Кейинги ўринда «Буюртмачи» деб юритилувчи **Андижон шаҳар Ободолаштириш бошқармаси** Низом асосида иш кўрувчи раҳбар **Ғ.Шокиров** бир томондан ва кейинги ўринда «Пудратчи» деб юритилувчи «**Хожаобод trans Lider**» МЧЖ масъулияти чекланган жамияти раҳбари **М.Тиллаев** иккинчи томондан, **Андижон шаҳар Шўрбулок МФЙ А.Исроилов кўчасини (782 м) асфальтлашга доир жорий таъмир ишлари учун пудрат шартномасини туздилар.**

### 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ **Андижон шаҳар Шўрбулок МФЙ А.Исроилов кўчасини (782 м) асфальтлаш учун жорий таъмир ишларига доир мажбуриятини олади**, «Буюртмачи» эса «Пудратчига» ишларни бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар, E-Tender платформасининг «Энг яхши таклиф» комиссиясининг танлови асосида 2022 йил 17 июнь кунги №103593 сонли лот рақами остида ишчи гуруҳ баённомаси билан тасдиқланган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда жорий нарҳда **365 000 000 (Уч юз олтинчи беш миллион )** сўмни ташкил қилади ва пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳал қилинади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилмайди, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- таъмирлашда енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб булганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узғаришлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. «Буюртмачи» «Пудратчига» шартнома умумий қийматининг 30 % миқдоридан олдиндан ҳақ авансни пул ўтказиш йули билан тулайди яъни бу **109 500 000 (Бир юз туккиз миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади. Колган қисмини яъни 65 фоизини ишлар бажарилгандан сунг Ф-3 га асосан 30 кун ичида тулаб берилиши ва колган 5 фоизини қайта ўлчов ишлари бўлиб ўтгандан сунг 2022 йил 31 декабр кунига қадар тулаб берилади.

### 4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» 1-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни объект лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- объектда ҳавфсизлик техникасини таъминлаш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

4.2. «Пудратчи» мазкур шартнома буйича барча ишларни зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни фойдаланишга топшириш учун «Буюртмачи» олдида тулик мулкый жавобгар ҳисобланади.

4.3. «Буюртмачи» томонидан 30% олдиндан ҳақ тулангандан сунг «Пудратчи» ишларни 100% тулалигича 22 кун ичида «Буюртмачи»га топшириш мажбуриятини олади.

### 5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

- мазкур шартнома имзоланиб газначилик бўлинимасидан руйхатдан утган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун объект лойиха-смета ҳужжатларини яроқли булган таъмирлаш жойини объектни таъмирланиши ва таъмирланиш тугагунча булган даврда далолатнома буйича «Пудратчига» бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қайд этилган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Пудратчидан» тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

### 6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

6.1. «Буюртмачи» таъмирлаш жойида уз вақилини – техник аудиторини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан «Пудратчи» томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

6.2. «Пудратчи» узи томонидан таъмирлашда қулланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналари сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.

6.3. «Пудратчи» таъмирлаш жойини сунуриб-сидиради ва озода саклайди, таъмирлаш даврида келиб чиқадиган чикиндиларни «Буюртмачи» томонидан курсатилган жойга олиб чиқиб ташлайди.

#### **7. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАР**

7.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бунда қисман ёки тулик бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

7.2. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **8. ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАНДАН СУНГ КАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

8.1. Таъмирлаш тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибда мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан сунг, шунингдек таъмирлаш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилади.

#### **9. КАФОЛАТЛАР**

9.1. «Пудратчи»

- барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаради ва ишлар тулик бажарилиб топшириш қабул қилиш далолатномалари имзоланган вақтдан бошлаб 6 ой муддатга бажарилган ишлар учун қафолат беради;

- узи томонидан таъмирлаш учун қулланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар, конструкция ва тизимлар сифати, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, техник шартларига мувофиқлигини;

#### **10. Коррупцияга қарши талаблар**

10.1 Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қулланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қафолатлайди.

10.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Етказиб берувчининг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Етказиб берувчининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади

#### **11. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

11.1. «Буюртмачи»:

- шартнома кучга кирганидан кейин таъмирлашнинг бошланиши «Буюртмачи»га боғлиқ булмаган сабабларга кура «Пудратчи» томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга;

11.2. «Пудратчи»:

- ишларнинг бажарилиши «Пудратчи»га боғлиқ булмаган сабабларга кура «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда;

- «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи» қушимча қарорига кура тугалланмаган молиялаштириш бир ой муддатда «Буюртмачи»га берилади, «Буюртмачи» бажарилган ишлар қийматини «Пудратчига» тулайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қоида-қоида мувофиқ иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома билдиради.

11.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

11.6. Шартномани бир томонлама бекор қилишга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **12. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни тулайди.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, «Пудратчи» томонидан ишлар бажарилгандан сунг «Буюртмачи» уз вақтида пулини утказиб бермаса кечиктирилган хар бир кун учун 0,4 фоиз микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

12.3. «Пудратчи» объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бажармаганлик учун «Буюртмачи»га мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизи микдоридан ошиб кетмаслиги керак.

«Буюртмачи» ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш ҳолати юзага келса, бажарилган ишлар ҳисобидан «Пудратчи»га амалга оширилиши лозим булган туловлар ҳисобидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

### 13. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

13.1. «Пудратчи» мазкур шартномага илова қилинадиган тулов жадвалига мувофиқ, олдиндан тулов аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

13.2. Танлов савдолари натижаси буйича аниқланган таъмирлашнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан этиборан 22 кунни ташкил этади.

13.3. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

### 14. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

14.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар узаро хал эта олмасалар улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан қуриб чиқилади.

### 15. АЛОХИДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз қучини йукотади.

15.2. Мазкур шартномага оид барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган булса ҳақиқий ҳисобланади.

15.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган булиб хар бири бир хил юридик қучга эгадир.

### 16. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

« П У Д Р А Т Ч И »

«Хожаобод trans Lider» МЧЖ


Манзил: Андижон. вил. Хўжаобод тумани

Етмишмерган МФЙ 69 уй Тел: 91 478 68 09

Тошкент ш АТБ «Кишлоқ қурилиш банк»

х/р: 20208000 605008093001

МФО: 01037, ИНН: 302428002

Рахбар:  М. Гиллаев



« Б У Ю Р Т М А Ч И »

Андижон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

Андижон шаҳар Уш кўча - 21240

х/р: 401722860034014065100110012


ИНН: 2025990462 КОНХ: 90290

УзР Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ягона Ғазна х/в: 234 0200 0300 1000 1010

ММ ББ ХККМ Тошкент шаҳри

СТИР: 201 122 919 МФО: 00 014

Бошлик:  Ф. Шокиров



## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

### **XULOSA**

#### **1. Loyihaning turi**

Shartnoma.

#### **2. Loyihaning nomi**

Eng yaxshi taklifni tanlash bo'yicha shartnoma

Andijon shaxar Obodonlashtirish boshqarmasi bilan "Xojaobod trans lider" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida O'zbekiston Respublikasi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 22.04.2021 yildagi №684-sonli Qonunining 56-63-moddalariga asosan eng yaxshi taklifni tanlash ta'moyili bo'yicha, Andijon shaxar Sho'rbuloq MFY A.Isroilov ko'chasini joriy ta'mirlash ishlari uchun 365 000 000 (uch yuz oltmish besh million) so'mga tuzilayotgan pudrat shartnomasi loyixasi.

**Asos:** O'zbekiston Respublikasi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 22.04.2021 yildagi №684-sonli Qonunining 56-63-moddalari, 17.06.2022 yildagi №103593-sonli LOT bo'yicha komissiyasining qarori.

#### **3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Andijon shaxar Tibbiyot birlashmasi 21.06.2022 yil.  
Shartnoma loyixasini o'rganish yuzasidan,

### **X U L O S A**

Shartnoma loyixasi amaldagi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi va O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq. Shartnoma yuzasidan kelib chiqadigan oqibatlarga bosh yuristkonsult javobgar emas.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**

**Bosh yuriskonsulti**



**S.O'rmonov**

**21.06.2022 yil.**

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 103593 на приобретение Текущий Ремонт  
улицы "А.Исроилов" в МФЙ "Шурбулок" длиной 782 м г.Андижан**

Способ проведения электронный

Дата 17.06.2022

Время рассмотрения 17.06.2022 16:07

Конкурсная комиссия Андижон шахар Хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	MALLABAYEV AKBAR XAMIDOVICH	Бошкарма етакчи мутахасиси	Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	XAMRAKULOV XOTAMBEK XAKIMJON O'G'LI	Boshqarma bo'lim boshli'gi	Andijon Shaxar Obodonlashtirish Boshqarmasi
<b>Член комиссии</b>	MADMAROVA TURSUNOY RASULJANOVNA	Hisobchi	Andijon shaxar Obodonlashtirish Boshqarmasi
<b>Член комиссии</b>	DJEMALDINOV SEYRAN MARLENOVICH	Bosh energetik	Andijon shaxar obodonlashtirish boshqarmasi
<b>Председатель комиссии</b>	TOXIROV TO'LANBOY BAKHODIROVICH	Bosh muhandis	Andijon shaxar Obodonlashtirish Boshqarmasi
<b>Секретарь комиссии</b>	YAKUBEKOV AXMADBEK MAXMUDBEKOVICH	Инфратузилма етакчи мутахасиси	Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.06.2022 года № лота 103593.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог</b>
Подробное описание	Шурбулок МФЙ Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	382 400 191.00
Стартовая сумма	382 400 191.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Машина ва механизмлар руйхатн, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТ) да пудратчилар томонидан тақдим этилиши белгиланган хужжатларни юкланг

Обязательность: Критично

Номи Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROYDORGIDROMACHSERVIS MCHJ	10	маълумот юкланди	7	Экспертная		
AZIMJON AVTO TRANS MCHJ	10	файл	8	Экспертная		
"ХО'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati	10	Машина ва механизмлар руйхати	9	Экспертная		

Критерий №2 Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 2 йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТ) да пудратчилар томонидан тақдим этилиши белгиланган хужжатларни юкланг

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROYDORGIDROMACHSERVIS MCHJ	10	маълумот юкланди	3	Экспертная		
AZIMJON AVTO TRANS MCHJ	10	файл	7	Экспертная		
"ХО'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati	10	Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 2 йиллик иш тажрибаси 4-шакл	7	Экспертная		

Критерий №3 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТ) да пудратчилар томонидан тақдим этилиши белгиланган хужжатларни юкланг

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROYDORGIDROMACHSERVIS MCHJ	10	маълумот юкланди	5	Экспертная		
AZIMJON AVTO TRANS MCHJ	10	фвйл	5	Экспертная		
"ХО'JAOBOD TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati	10	Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумот	7	Экспертная		

Критерий №4 Курилиш (таъмирлаш) майдонини (обектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги

ишида маълумотнома, 6-шакл, 1 – илова

тип: Текстовое значение

Описание: ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТ) да пудратчилар томонидан тақдим этилиши белгиланган хужжатларни юкланг

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROYDORGIDROMACHSERVIS MCHJ	10	маълумот юкланди	1	Экспертная		
AZIMJON AVTO TRANS MCHJ	10	файл	1	Экспертная		
"ХО'ЖАОБОД TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati	10	Курилиш (таъмирлаш) майдонини (обектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл, 1	9	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
AZIMJON AVTO TRANS MCHJ	382 400 191.00	355 632 178.00	17.06.2022 10:54:05	20.00
STROYDORGIDROMACHSERVIS MCHJ	382 400 191.00	382 000 000.00	16.06.2022 18:44:00	18.62
"ХО'ЖАОБОД TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati	382 400 191.00	365 000 000.00	17.06.2022 11:07:48	19.49

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
AZIMJON AVTO TRANS MCHJ	42	20	62
STROYDORGIDROMACHSERVIS MCHJ	32	18.61949	50.61949
"ХО'ЖАОБОД TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati	64	19.48669	83.48669

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 103593 от 17.06.2022 года на приобретение Текущий Ремонт улицы "А.Исроилов" в МФЙ "Шурбулок" длиной 782 м г.Андижан определила победителем:

"ХО'ЖАОБОД TRANS LIDER" masuliyati cheklangan jamiyati  
302428002

Первый исполнитель: AZIMJON AVTO TRANS MCHJ (207235829)

оголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	DJEMALDINOV SEYRAN MARLENOVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	TOXIROV TO'LANBOY BAXODIROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XAMRAKULOV XOTAMBЕК ХАКИМЖОН О'Г'ЛИ	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MADMAROVA TURSUNOY RASULJANOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП